

TE51176128

URGUT TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KORSATISH MARKAZI

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

№ PL3236754625

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Oldi-sotdi shartnomasi.
3. Loyihaning qisqacha mazmuni:

"URGKAM MEBEL" MCHJ, (keyingi o'rinlarda "Sotuvchi" deb yuritiladi) o'zining nizomi asosida ish yurituvchi X.Bokiyev nomidan bir tomondan va Urgut tuman tibbiyot birlashmasi, (keyingi o'rinlarda "Sotib oluvchi" deb yuritiladi) o'zining nizomi asosida ish yurituvchi rahbar D.Tog'ayevlar tomonidan mazkur shartnoma tuzildi.

Shartnomaning umumiy summasi 20 000 000.00 (yigirma million) so'mni tashkil qiladi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Urgut tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 16-avgust kuni TE51176128-son hujjat raqami bilan ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

XULOSA

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" 1998-yil-29 avgustdagi 670-I-son qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrda "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3953-son qarori va amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



U.Maxmaisayev

2022-yil 18-avgust

ОЛДИ-СОТТИ ШАРТНОМАСИ № 1/04

22110012132381-рақамли лотга асосан

2022 й. «18» 8

473-7-105-TB/2022-сон

ш.

"URGKAM MEBEL" МСНҲ кейинги ўринларда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Х.Бокиев** номидан, бир томондан ва Ургут туман тиббиёт бирлашмаси, кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи **Д.Тоғоев** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ.

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товарни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса маҳсулотни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **20 000 000.00 (Йигирма миллион)** сўми ташкил этади.

Т/р	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сўммаси
1.	Покрывало	шт.	50	114000	5 700 000.00
2.	Комплекты постельного белья	комп.	100	119000	11 900 000.00
3.	Подушка	шт	80	30000	2 400 000.00
	Жами:				20 000 000.00

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Сотиб олувчи" мазкур шартномани Ургут тумани бўйича Ғазначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % микдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % тўловни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисобфактура ва в.б. ҳужжатлар асосида тўлайди.

2.2. "Сотувчи" аванс маблағлари Сотувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Сотувчи" амалдаги стандартларга мувофиқ мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган товарларни етказиб бериши шарт.

2.4. "Сотиб олувчи" товарларни қабул қилишда "Сотувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Сотувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Сотиб олувчининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Сотиб олувчининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

Сотувчидан шартнома бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Сотиб олувчи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Сотувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Сотувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

1) тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

2) камчиликларни беғараз бартарф этиш;

3) Сотувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

1) мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

2) товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Сотувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) "Сотиб олувчидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун яқуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

2) Сотиб олувчидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Сотувчининг мажбуриятлари:

1) Сотиб олувчига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

2) агар товарларни етказиб бериш жараёнида Сотувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Сотиб олувчининг талаби бўйича 15 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Сотувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Сотувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Сотувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун Сотиб олувчи маҳсулот Сотувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима

тўлайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Сотиб олувчи Сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Сотувчи:

1) миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Сотувчи шартнома шартларининг Сотиб олувчи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

2) шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

3) тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа олувчи (Сотиб олувчи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Сотувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилмаганлик учун жарима Сотувчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар Сотувчи сотиб олувчига (Сотиб олувчига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилмаганлик учун Сотувчи сотиб олувчига (Сотиб олувчига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (Сотиб олувчи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Сотувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Сотувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонларни келишувига асосан шартномани 7.1-банди бажарилмаган тақдирда тегишли Иқтисодий судга мурожаат қилиниб, суд орқали ҳал қилинади

6. ФОРС - МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маърамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгил бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизминини киритиш тўғрисида"ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Ургут тумани бўйича Ҳазначилик бўлимида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириши ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, тарафларнинг келишувига мувофиқ, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»
Ташкилот номи: "URGKAM МEBEL" МСНҲ
Манзил: УРГУТ ТУМАН МЕРГАНЧА МФЙ
Телефон: +998981902111
СТИР коди: 305212182
ОКОНХ:
Х/Р: 20208000600829985001
Банк: ТИФ «Миллий банки» Ургут филиали
МФО: 00865
Раҳбар: Х.Боқиев

(имзо)

«БУЮРТМАЧИ»
Ургут туман тиббиёт бирлашмаси Ургут туман Навоий шох -99 Шхв-100022860182367073101054004. ИНН-200784602. ОКОНХ- 91511.
Раҳбар: Д.Тогаев
Марказий банк Тошкент ш. ХККМ х/р-23402000300100001010. МФО-00 014 ИНН-201122919. ОКОНХ-97160. Молия Вазирлиги ягона газна ҳисоб варағи.



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 132381 на приобретение Юмшок жихозлар олиш учун

Способ проведения электронный

Дата 13.08.2022

Время рассмотрения 12.08.2022 12:01

Конкурсная комиссия Ургут туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	QUDRATOV OTABEK MAMATQULOVICH	Бошлик уринбосари	Ургут туман Тиббиёт бирлашмаси
Секретарь комиссии	ABULXAYEV SHODMONXUJA XAFIZOVICH	Пархез тиббий биродари	Ургут туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	OCHILOV UCHQUN NARZULLAYEVICH	Катта тиббий бродар	Ургут туман ТТБ
Член комиссии	QAYUMOV ORZIQUL ABDUVOITOVICH	Хатлар булими бошлиги	ургут туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	MIRZAYEV SA'DULLA G'AYBULLAYEVICH	пархез врач	ургут туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	XAMROYEV ASROR AMONOVICH	дорихона мудири	Ургут туман тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.08.2022 года № лота 132381.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Покрывало
Подробное описание	Покрывало
Количество товара	50.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	125 000.00
Стартовая сумма	6 250 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Комплекты постельного белья
Подробное описание	Комплекты постельного белья
Количество товара	100.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	120 000.00
Стартовая сумма	12 000 000.00
Валюта	UZS

Описание: Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011"OK	30	Талаб этилган хужжатлар тулик такдим этилмоқда	20	Экспертная		
URGKAM MEBEL MCHJ	30	мавжуд	30	Экспертная		
GULOBOD MILANO TEKSTIL XK	30	Гувоҳнома нусхаси	25	Экспертная		

Критерий №4 Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011"OK	30	Талаб этилган хужжатлар тулик такдим этилмоқда	20	Экспертная		
URGKAM MEBEL MCHJ	30	мавжуд	29	Экспертная		
GULOBOD MILANO TEKSTIL XK	30	Ариза	27	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
URGKAM MEBEL MCHJ	21 050 000.00	20 000 000.00 UZS	20 000 000.00	00.00	20 000 000.00	10.08.2022 15:30:06	15.99
GULOBOD MILANO TEKSTIL XK	21 050 000.00	15 990 000.00 UZS	15 990 000.00	00.00	15 990 000.00	11.08.2022 14:22:41	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011"OK	Не прошел	Не прошел	Не прошел
URGKAM MEBEL MCHJ	78	15.99	93.99
GULOBOD MILANO TEKSTIL	68	20	88

Наименование товара (работы, услуги)	Подушка
Подробное описание	Подушка
Количество товара	80.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	35 000.00
Стартовая сумма	2 800 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 . Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: . Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011"OK	30	Талаб этилган хужжатлар тулик такдим этилмоқда	20	Экспертная		
URGKAM MEBEL MCHJ	30	мавжуд	29	Экспертная		
GULOBOD MILANO TEKSTIL XK	30	Ариза	25	Экспертная		

Критерий №2 Дастлабки малака танловини ўтказишга ТАЛАБНОМА ҳамда Товарларни етказиб бериш буйича кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Дастлабки малака танловини ўтказишга ТАЛАБНОМА ҳамда Товарларни етказиб бериш буйича кафолат хати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASADBEK TIKISTIL INVEST 2011"OK	30	Талаб этилган хужжатлар тулик такдим этилмоқда	20	Экспертная		
URGKAM MEBEL MCHJ	30	мавжуд	29	Экспертная		
GULOBOD MILANO TEKSTIL XK	30	КАФОЛАТ ХАТИ	25	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси

Тип: Текстовое значение

ХК			
----	--	--	--

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 132381 от 13.08.2022 года на приобретение Юмшок жихозлар олиш учун определила победителем:

URGKAM MEBEL MCHJ
305212182

и резервный исполнитель: GULOBOD MILANO TEKSTIL XK (301729934)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	QUDRATOV OTABEK MAMATQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	OCHILOV UCHQUN NARZULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	QAYUMOV ORZIQL ABDUVOITOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEV SA'DULLA G'AYBULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП